

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Малака ошириш тармоқ маркази
директори доцент Тошкенбоева Л.А.

“ ___ ” _____ 2015 йил

**“ФАРМАЦИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА
ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчи:

проф. Абдуллабекова В.Н.

Тошкент -2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗА МАТНИ.....	10
1-Мавзу: Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни	10
2-Мавзу. Фармация йўналишининг мутахассислик кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари	16
АМАЛИЙ МАСЪУЛОТЛАР МАЗМУНИ	19
1-мавзу. Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни	19
2-мавзу. Фармация йўналиши кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари	24
ГЛОССАРИЙ	30

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Фармация фанларини ўқитишда илғор таълим технологиялари” модулининг мақсади: педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курс тингловчиларини фармация фанларини ўқитишда илғор таълим технологияларидан билимларини такомиллаштириш, фармация муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Фармация фанларини ўқитишда илғор таълим технологиялари” модулининг вазифалари:

- фармация фанларини ўқитишда педагогик фаолият ва олий таълимда ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келадиган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг фармация фанларини ўқитишда муаммоларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фармация фанларини ўқитишда муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Фармация фанларини ўқитишда илғор таълим технологиялари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- фармация фанларини ўқитишда педагогик фаолият билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари; замонавий педагогик атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар; олий таълимда илғор педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак;
- замонавий фармация фанлари муаммоларига доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши зарур;
- фармация фанларининг муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш малакаларини эгаллаши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Фармация фанларининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари” , “ Фармацевтик ишлаб чиқаришда ҳалқаро талаблар” ва бошқа ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			жами	Назай	Амалий машғулот		
1.	Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни	9	7	2	5		2
2.	Фармация йўналишининг мутахассислик кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари	9	7	2	5		2
	Жами:	18	14	4	10		4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни (2 соат)

1. Таълим технологиялари тўғрисида тушунча
2. Таълимда инновация тушунчаси
3. Фармацевтик фанларни ўқитишда педагогик технологияларга бўлган асосий талаблар
4. Фармацевтик фанларни ўқитишда илғор технологиялардан фойдаланиш

2-мавзу. Фармация йўналишининг мутахассислик кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари (2 соат)

Режа:

1. Янги педагогик усуллар тўғрисида тушунча
2. Интерактив усулларнинг турлари
3. Фармация фанларида интерактив усулларни қўллаш

Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчилар ва уларни бартараф этиш йўллари. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни (5 соат)

1. Илғор таълим технологиялари тўғрисида
2. Таълимда инновация тушунчаси
3. Педагогик технологияларга бўлган асосий талаблар
4. Таълим бериш методлари, воситалари ва ташкилий шакллари.
5. Фармацевтик фанларни ўқитишда илғор технологиялардан фойдаланиш

2-мавзу. Фармация йўналиши кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари (5 соат)

Режа:

1. “Силлабус” ва “кейс –стади” тўғрисида тушунча
2. Илғор педагогик усулларнинг турлари
3. Фармация фанларини ўқитишда интерактив усулларни қўллаш
4. Фармация фанларида кейслар банкини яратиш ва амалиётда фойдаланиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Режада йўқ.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

- Фармация фанларини ўқитишни ташкил этиш шакллари.
- Фармация фанларини ўқитишда кейс-стади технологияларидан фойдаланиш
- Фармация фанларини ўқитишда лойиҳалаш услубини тадбиқ этиш
- Фармация фанларини ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш.

- Фармация фанларини ўқитишда интерфаол таълим услубини тадбиқ этиш
- Фармация фанларини ўқитишда амалий ўйин услубидан фойдаланиш
- Фармация фанларини ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш
- Фармация фанларини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш
- Фармация фанларини ўқитишда мультимедиа тақдимотларини яратишнинг методик асослари
- Фармация фанларини ўқитишда электрон дарсликлар яратишнинг методик асослари
- Фармация фанлардан электрон ўқув-методик мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
- Фармация фанларини ўқитишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этиш
- Фармация фанларини ўқитишда интернет тармоғидан фойдаланиш
- Фармация фанларини ўқитишда талабалар билимини назорат қилиш ишчи дафтарларини яратиш
- Фармация фанларини ўқитишда маъруза, амалий машғулотларини ташкил этишнинг методик асослари
- Фармация фанларини ўқитишда талабалар билимини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари
- Фармация фани ўқитувчиларининг компетентлигини шакллантириш

АДАБИЁТЛАР РЎЙЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. – Т.: 2011.-440 б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони,
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
18. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
20. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер.учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
21. Юнусхўжаев А.Н. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти.- 1 (287 б.), 2 (334 б.), 3 (433 б.) томлар.- Тошкент.- 2001, 2001, 2003.
22. И.И. Краснюк, Г.В. Михайлова, Мурадова Л.И.. Фармацевтическая технология.- Москва.-2011.- 559 с.
23. Тихонов А.И., Ямих Т.Г., Зупанец И.А. и др.. Биофармация – Харьков.-2013. – 235 с.
24. Государственная фармакопея XI изд.. – Москва. – « Медицина ».- 1987 (333 с.), 1989 (397 с.).
25. Молчанов Г.И. Фармацевтические технологии. Учебное пособие. – М.,2013.
26. Фармацевтическая технология. Твердые лекарственные формы: учеб. Пособие./под редакцией С.А. Кедика.-М.,2011.
27. Отраслевой стандарт качества лекарственных средств. Основные положения. Издание официальное, Минздрав РУз. – Ташкент, 2002. (Tst 42-01-2002)
28. Д.Х.Шах Стандартные операционные процедуры в фармацевтическом производстве, Киев, «Автограф» 2006г.

29. The use of essential medicines. Report of the WHO Expert Committee (including the 13th Model list of Essential Medicines). WHO Technical Report Series № 920, 2004, 133 p.
30. Коментарий к руководству Европейского союза по надлежащей практике производства лекарственных средств для человека и применения в ветеринарии. Под редакцией С.Н.Быковского, И.А.Василенко, С.В.Максимов. – М.:Изд-во “Перо”, 2014.-488 с.:ил
31. Ковалёв В.И., Зупанец И.А., Кисличенко В.С., Журавель И.А., Павлий А.И. Основы практической фитотерапии. Учеб. Пособие. - Харьков. – УкрФА, 1999.- 304 с.
32. Ковалёв В.И., Кисличенко В.С. и др. Практикум по фармакогнозии. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Харьков: Изд. НФАУ “Золотые страницы”, 2003.
33. Правила сбора и сушки лекарственных растений (сборник инструкции под ред. Шретера И.И.).- М.: Медицина, 1985. – 327 с.
34. Сборник нормативных актов по нормированию фармацевтического производства (стандарты GMP, Москва, 2000).
35. Trease and Evan’s Pharmacognosy (14th edition). – London: WB Sanders Company Limited, 1996.
36. European Pharmacopoeia. 3rd Edition.- Strasbourg: Council of Europe, 1997.
37. The International Pharmacopoeia. Third Ed. - V.1. General methods of analysis.– Geneva: WHO, 1979.
38. The United States Pharmacopoeia. The National Formulary. – Toronto, 2003. A.N. Yunusxo’jaev, Q.A. Ubaydullaev va b. Dori vositalarining zamonaviy tahlil usullari Toshkent. 2010.
39. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2000 yil 21 apreldagi 195 – son “Dorixona sharoitlarida tayyorlanadigan dori vositalari sifatini yaxshilash borasida” gi buyrug‘i.
40. Ubaydullaev Q.A, M.B. Mavlyanova, A.Q. Saidvaliyev. Farmatsevtik kimyodan ma’lumotnoma. Toshkent, 2010.
41. “Farmatsevtik kimyo” elektron darslik. Prof. A.N. Yunusxo‘jaevning umumiy tahriri ostida. Toshkent, 2009.

Интернетдаги маълумотларни қуйидаги сайтлардан олинди:

www.wikipedia.com

www.pharmapractice.ru

www.remedium.ru

[http://www.who.int/medicines/publications/essentialmedicines/en/.](http://www.who.int/medicines/publications/essentialmedicines/en/)

www.pharmvestnik.ru

[http://www.freepatent.ru.](http://www.freepatent.ru)

[http://www.rusvrach.ru/articles.com.](http://www.rusvrach.ru/articles.com)

<http://www.vmiretrav.ru/travi>

[http://www.pharmax.m/articles.](http://www.pharmax.m/articles)

[http://www.pravoteka.ru.](http://www.pravoteka.ru)

КАЛЕНДАР РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1	Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни	маъруза	2	ойнинг учинчи ҳафтаси
2	Фармация йўналишининг мутахассислик кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари	маъруза	2	
3	Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни	амалий	5	ойнинг учинчи ҳафтаси
4	Фармация йўналиши кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари	амалий	5	ойнинг тўртинчи ҳафтаси

1-Мавзу: Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни

Режа:

1. Таълим технологиялари тўғрисида тушунча
2. Таълимда инновация тушунчаси
3. Фармацевтик фанларни ўқитишда педагогик технологияларга бўлган асосий талаблар
4. Фармацевтик фанларни ўқитишда илғор технологиялардан фойдаланиш

Таянч иборалар: *инновация, таълим технологияси, педагогик технология, ўқитиш методикаси, информацион технология, мотивация.*

Таълимни технологиялаштириш ғояси янгилик эмас. Бундан 400 йил аввал чех педагоги Ян Амос Коменский таълимни технологиялаштириш ғоясини илгари сурган. У таълимни “техникавий” қилишга ундаган, яъни ҳамма нарса, нимага ўқитилса, муваффақиятга эга бўлсин. Натижага олиб келувчи, ўқув жараёнини, у “дидактик машина” деб атаган.

Бундай дидактик машина учун: аниқ кўйилган мақсадлар; бу мақсадларга эришиш учун, аниқ мослаштирилган воситалар; бу воситалар билан қандай фойдаланиш учун, аниқ қоидаларни топиш муҳимлигини ёзган.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб кўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мажмуали техник воситаларни яратишда топган.

Ҳозирги вақтда педагогик технология «ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмайди, балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ҳамда усул ва материалларни қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўллари ишлаб чиқишни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотдир».

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб замонавий таълим тенденциялари амал қилинмоқда:

- Таълимда фундаментализм;
- Таълимни амалиётга яқинлаштириш;
- Таълимнинг асосий вазифаси – талабанинг ўз-ўзини англаши ва ўз билимларини намоён қилиши учун шароит яратиш;
- Табият қонунларига риоя қилиш;
- Яхши натижаларга ориентация қилиш;
- Шахсга йўналтирилган таълим;
- Соғлиққа зарар етказмайдиган таълим;

- Таълим олувчига педагог томонидан мадад

Методология деб, ҳар қандай фаолиятни (бизнинг мисолда таълим жараёнининг лойиҳасини тузиш ва ундан амалда фойдаланиш) амалга оширишда фаолият юритувчи учун йўлчи юлдуз, яъни унинг фаолиятига таълимий бўлиб хизмат қилувчи, фаолият якунида эришиладиган мақсад кўрсаткичлари билан фалсафанинг энг умумий ва мазкур фаолиятнинг хусусий қонунлар системасига айтилади. Буни яна, шу фаолиятнинг фалсафий асоси ҳам дейилади.

Методика - мақсадга эришиш жараёнида қўлланиладиган усул ва услубларни қўллаш йўриқномаси.

Усул – Мақсадга етишишда қўлланиладиган таълимий тадбирлар ёки ўқув жараёнини амалга оширишда қўлланиладиган **услублар система (мажмуи)си** (рус тилида уни “метод” дейилади).

Услуб – таълимий ва тарбиявий мақсадларга эришишда, муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган **тадбир ва чоралар система** (русчада уни педагогик “приём” дейилади).

Модул - таълим-тарбия жараёнидаги ўқув материалининг ҳажми, олдига қўйилган мақсади, билимларнинг мантикий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, иерархия поғоналарга ажратилган бўлаклари.

Педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини система сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир.

Фанни ўқитиш услубиётидан фарқли технология:

- “қандай ўқитиш керак?” деган саволга жавоб бермай, балки аҳамиятли қўшимча бўлган *“натижавий қандай ўқитиш ва ўқув жараёнини қандай қилиб энг мақбул*

- *ташкил этиш керак?* деган саволга жавоб беради;
- *аниқ шароитлардан келиб чиққан ва маълум натижага йўналган, аниқ педагогик ҳолатга* лойиҳаланади;
- ўз натижаларини *қайта ишлаб чиқариши* билан фарқланади;
- таълим олувчилар ва таълим берувчига йўналтирилган дарснинг услубий ишланмаларидан фарқли ўлароқ, таълим олишда уларнинг ўз фаолиятлари ҳисобига ютуқ таъминланишига йўналтирилади.

Шахсга янги қараш қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланади;
- этник маънавий қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- хатони тузатишга имкон бериш;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Бугунги кунда ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усулларни унча тоифага ажратилмоқда. Бу тоифадаги усуллар ўқув предметлари ўқув машғулотларининг лойиҳаларини тузганда ва педагогик технологияни таълим жараёнига жорий қилинаётганда, билим соҳаларининг хусусиятидан келиб чиқиб, керакли жойларида ишлатилади. Буларга қуйидагилар киради:

Биринчи тоифадаги усуллар “Анъанавий усуллар” деб аталиб, тингловчи-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосланадилар. Уларга: “Айтиб бериш”, “Кўрсатиб бериш”, “Намойиш”, “Маъруза тақдироти”, “Савол-жавоб”, “Тўрт поғонали усули” кабилар.

Иккинчи тоифадаги усуллар “Интерактив” усуллар деб номланиб, билим олувчиларни билим эгаллашларида “Фаоллаштириш” тамойилига суянади.

Учинчи тоифадаги усуллар “Ноанъанавий усуллар” дейилиб, таълим – тарбия жараёнини “Жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқади (Методик тавсиянинг 6-бетида кўрсатиб ўтилган). Бу уч тоифадаги усуллар тарихан таркиб топиб, вақт ўтиши билан бири-биридан такомиллашиб, ўз даврининг талабига жавоб берганлар. Юқорида акс этирилган усулларнинг, “Педагогик технологиядан” ташқарисини амалда қўллаётганда, ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликлари ва ноқулай томонлари мавжудлиги ўқув жараёнида аниқланган.

"Педагогик технология" қуйидаги тамойиллардан келиб чиқади:

Биринчиси - таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва шу лойиҳа асосида ўқув машғулотини амалга оширишда замона илмининг объектив борлиққа энг илғор ёндашуви бўлган "Системали (мажмуи) ёндашув" тамойилига ҳамда унинг қонун ва қоидаларига доимо амал қилиш. Зеро, ўқитишнинг "Педагогик технология усули" юз фоиз "Системалар назарияси" асосида яратилган

Иккинчиси - таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва унинг асосида ўқув машғулотини олиб боришда дидактика (таълим назарияси)нинг барча принциплари ва қонун-қоидаларидан келиб чиқиш. Бунинг учун, ўқув машғулотини лойиҳасини тузувчи ва тузилган лойиҳа асосида ўқув машғулотини олиб борувчилар дидактикани яхши билишлари ва ундан педагогик амалиётда фойдалана олишлари шарт.

Учинчиси - ўқув машғулотининг лойиҳасини тузганда, бу жараённинг ажралмас ва таркибий қисмлари бўлган - "Мақсад ва мақсадчалар", "Уларга ажратилган вақт", бериладиган билимлар ичидаги "Таянч тушунчалар", "Дарс тури ва тип", "Педагогик услублар", "Ахборот технологиялари" ва

"Дидактик материаллар" деган элементларини ўзаро узвий, яъни функционал боғлиқликда бўлган яхлитлик сифатида кўриш.

Тўртинчиси - ўқув жараёнини лойиҳалашда ва ундан амалиётда фойдаланишда тингловчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни, ўзлари мустақил равишда топишларига урғу бериш. Яъни, педагог муайян соатда тингловчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни уларга айтиб бера қолмай, бу билимларни улар фаол фикр юритиб ўзлари топишларига эришиши лозим.

Бешинчиси - Педагогик технология тамойиллари асосида тузилган лойиҳа бўйича ўқув машғулотини амалга оширишда, эгалланадиган билимларни тингловчилар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллаш олишларини бир вақтнинг ўзида олиб боришга эришиш. (Амалиётда қўллаш деганда фақат муайян бир ишни бажариб беришни тушуниб қолмай, эгалланган билимларни айтиб бериш ҳамда амалда қўллаш деб тушунилади).

Олтинчиси - ҳар бир ўқув машғулоти якунида эришиладиган натижаларнинг феъллар шаклида бўлиши. Бунинг учун, ҳар бир ўқув машғулотининг якунида тингловчи эришиши шарт бўлган иш ҳаракатлар тизими аввалдан белгилаб қўйилади.

Еттинчиси - ўқув машғулотининг якунида, олдиндан шу машғулот учун аниқланган баҳолаш тур ва мезонлари асосида барча тингловчиларнинг билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш

Педагогик технологияни ва унинг таркибий қисми бўлган ўқув машғулотларини лойиҳалашда ва амалиётга қўллашда қуйидаги учта тоифадаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

биринчи тоифадаги усуллар “Анъанавий усуллар” аталиб, тингловчи-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосланади. Уларга: ахборотли – рецептив ёки иллюстратив – тушунтириш; репродуктив; муаммоли баён; эвристик ёки ярим тадқиқот ва тадқиқот, “айтиб бериш”, “кўрсатиб бериш”, “намойиш”, “маъруза тақдимоти”, “савол-жавоб” ва бошқалар қиради.

иккинчи тоифадаги усуллар Ноанъанавий ёки “Интерфаол усуллар” деб номланиб, билим олувчиларни билим эгаллашларида “фаоллаштириш” тамойилига суянади. Уларга: “Шаталовнинг жадаллаштириб ўқитиш усули”, “муаммоли дарс”, “фикрий ҳужум”, “ақлий ҳужум”, “кичик гуруҳлар билан ишлаш”, “давра суҳбати”, “кластер усули”, “Б.Б.Б.”, “6х6х6”, (“3х3”, “4х4”, ...), “бумеринг”, “қора қути”, “бешинчиси ортиқча”, “ишбоб ўйин”, “ролли ўйин”, “баҳс-мунозара”, “қарама-қарши муносабат”, “заковатли зукко”, “зиг-заг”, “чархпалак”, “зинама-зина” ва бошқа кўпдан-кўп усуллар қиради.

учинчи тоифадаги усуллар “Илғор ёки Замонавий усуллар” дейилиб, таълим – тарбия жараёнини “жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқилади. Уларга: “йўналтирилган матн”, “дастурлаштириш”, “технологик харита усули” “модулли ўқитиш усули” ва «лойиҳалаш усули» ҳамда ниҳоят барча усулларнинг афзаллик

томонларини ўзида мужассамлаштирган “Педагогик технология” усули киради

Технология (юнонча. *techne* маҳорат+ *logos* таълимот) – ишлаб чиқариш жараёнлари усуллари ва услублари тўғрисидаги билимлар мажмуаси. Педагогикада ушбу атамага турлича таъриф берилган.

ЮНЕСКО бўйича: “*педагогик технология* – бу техник ва инсоний ресурсларни ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари оптималлашга қаратилган тизимли усул”.

Инновация нима?

• ***Инновация*** – бу таълим муассасасининг анъанавий ва умумамалий ривожланишдан фарқли равишда прогрессив ривожланишига ёрдам берувчи янгилик.

• ***Педагогик технология*** – бу педагогик фаолиятнинг муваффақиятига кафолат берувчи жиддий илмий лойихалаш ва аниқ қайтаришдир.

Педагогик технологиянинг ажралиб турувчи ва эътиборга мойил хусусиятлари:

- *Максимал аниқ мақсадни қўйиш;*
- *Ўқув жараёнини такрорлаш;*
- *Узлуксиз қайта алоқани таъминлаш, ўқиш жараёнини коррекциялаш, ўқитиш циклининг мавжудлиги;*
- *Ўқитиш натижаларини режалаштириш ва уларга эришишни кафолатлаш.*

Таълим технологиялари бир қатор белгилар билан таърифланади:

- Аниқ, мантикий педагогик, дидактик ўқитиш мақсадларини ишлаб чиқиш;
- Ўзлаштирилиши лозим бўлган ахборотларни тизимлаштириш, тартибга солиш, жипслаштириш;
- Дидактик, техник ўқитиш ва назорат қилиш усуллари комплекс равишда қўллаш;
- Ўқитишнинг диагностик функцияларини кучайтириш;
- Сифатли таълимни кафолатлаш

Янги информацион технологияларни қўллаш қуйидагига олиб келади:

- Таълим олиш мотивациясини кучайтиради;
- Ўқиш жараёнини индивидуаллаштириш ва қиёслаштириш;
- Шахсга йўналтирилган таълимга асосланади

Олийгоҳлардаги педагогларнинг ваколатлари

- *психолого-педагогик*
- *ташкилий-педагогик*
- *илмий-педагогик*

Олийгоҳ педагогининг профессионал ваколоти – мутахассиснинг интеграл таърифи бўлиб, унинг ҳаққоний вазиятда профессионал муаммолар ва типик профессионал вазифаларни ҳал қила олишидир.

Педагогик амалиёт унумли, камунумли ва унумсиз бўлиши мумкин.

• Унумли педагогик амалиёт марказида талабаларни кейинги касбий фаолиятларига тайёрлаш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш ётади.

- Камунумли педагогик ижодиётда педагог асосан ўз-ўзини мақташ, ўзини реклама қилиш билан шуғулланади.

- Унумсиз педагогик амалиётда педагог ўз касбий фаолиятига расмийлик нуктаи назаридан қарайди

Педагогларнинг иш натижаларига биноан уларни қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин:

- репродуктив – ўзи нимани билса талабаларни шунга ўргатади;

- адаптив – ўз билимларини аудиториядаги талабаларга мослаштиради;

- билимларни тизимли моделлаштирувчи – курс бўйича билимлар системасини шакллантириш стратегиясини билади;

- тизимли моделлаштирувчи ижодиёт – ўз фанини ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришга қаратилган стратегияни ишлаб чиқувчи ўз ишининг устаси.

2-Мавзу. Фармация йўналишининг мутахассислик кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари

Режа:

1. Янги педагогик усуллар тўғрисида тушунча
2. Интерактив усулларнинг турлари
3. Фармация фанларида интерактив усулларни қўллаш

Таянч иборалар: *фармация, инновация, таълим технологияси, педагогик технология, ўқитиш методикаси, информацион технология, мотивация.*

Фармацевтик фанларни ўқитишда таъхълимнинг асосий мақсади куйидагилардан иборат бўлиши керак :

- талабаларга мустақил фикр юритиш ва мустақил билим олишни ўргатиш;
- хамкорликда ишлашни ўргатиш;
- бошқалар фикрини тинглай олиш, мунозара олиб боришни ўргатиш, лозим бўлган холларда муроса қилишни билиш

Бугунги кунда таълим жараёнида тез ривожланиб келаётган ва энг кенг қўлланиладиган мультимедиа технологиялари хисобланади.

Олий мактаб замонавий талабларига жавоб берадиган ва ёш мутахассисларни тайёрлашда ўқитиш натижалари, ўқитиш жараёнидаги янги интенсив ўқитиш усулларини киритишга боғлиқ ва бу жараёнда талабаларнинг фаол иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва киритиш зарурлиги белгиланган. Ўзбекистон тиббий олий ўқув юртларида УАШ ни замонавий тайёрлаш даври таълим тизимининг ислохатини чуқурлаштирилиши, ўқув машғулотларининг фаол формаларини киритилиши билан характерланади.

Янги инновацион технологияларни асосий мақсади – замонавий ахборот шароитларида янги авлодни ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, уни тушунишга ўргатиш, руҳиятга таъсирини англаш, техник воситалар ва замонавий ахборот технологиялар ёрдамида коммуникацияларни новербал шакллари асосида муомала усулларини ўрганишдир.

Олий таълим доирасида ахборот технологияларни ишлатишнинг 3 та ўзаро боғлиқ соҳаларини ажратиш мумкин: аудитория машғулотлари учун, электрон кутубхоналар, Интернет.

Ўқув жараёнида компьютер технологиялари асосида ўқитилишини замонавий босқичида қўлланиши ўқитиш усули сифатида компьютерни галдан галгача эмас, балки мунтазам биринчи машғулотдан охиригисигача ишлатилиши кўзда тутилади.

Дунёнинг етакчи давлатларида (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Франция ва бошқалар) 60 – йиллардан бошлаб медиа таълимга асосий эътибор қаратила бошлади, у ўқувчи ва талабаларга медиамаданият дунёсига бемалол киришга ёрдам беради, оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишда, медиаматнларни таҳлил қилишни ўрганишда ёрдам беради.

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, "Интернет"га кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали программаловчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Вазирлар Маҳкамаси 23 май 2001 йилдаги қарори бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги кунда мутахассислар, гуруҳлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ёки муассасаларининг фаолияти, кўп жиҳатдан уларнинг қай даражада зарурий маълумот ва ахборотлар билан тўла таъминланганлигига, ҳамда ушбу маълумотлардан қай даражада самарали фойдалана олаётганликларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

“Фармацевтик” мультимедиа технологияси 6 та машғулот яратилган. Бу дастур компьютер хонасида намойиш этилади, ўргатувчи тизим сифатида қуйидаги тематикалар: болалар орасида кенг тарқалган касалликлар ва ҳолатларни интеграллашган усулда олиб бориш. Ҳар бир машғулотда мавзу бўйича назарий материаллар, графика, анимация овоз билан кузатилади, амалий қисми бажарилиши ёзилган, индивидуал манипуляцияларни қилиш имконияти бор.

Талабалар билимини баҳолаш ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришда қўлланиладиган замонавий ўқитиш усуллари:

- Кичик гуруҳларда ишлаш усуллари.
- Гуруҳда ўқитиш жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазоят масала, иш ўйин, конкурс ва презентациялар).
- Кўп функционал масалалар билан боғлиқ бўлган ўқитиш усуллари (клиник аудит, дискурсия, кўникмаларни ўзлаштириш, исботларга асосланган тиббиёт).
- OSCE – оралик ва якуний назоратларни текширувчи усул – объектив структурланган клиник имтиҳон.
- Ўқитиш жараёнидаги мультимедиа технологиялари.

Амалий машғулотларда қўлланиладиган иш ўйинлари:

“Бўш звено”, “Асалари уяси”, “Юмалоқ стол”, “Ручка стол марказида”, “Галерея бўйича айланиш”, “Блиц - ўйин”, “Номалумот”.

Масалаларнинг кўпфункционаллиги билан боғлиқ бўлган рақобат топшириқлар:

- Иш ўйинлар: “Қопдаги мушук”, “Ким кўпроқ?”, “Ким тезроқ?”
- Қроссворд ечиш усули.
- Ўқув дискурсия шаклида машғулот ўтказиш.
- Мультимедиа технологияларидан презентация усуллари

Ўқитиш жараёнини фаоллаштириш усуллари.

“Case study” усули (аниқ вазиятларни анализ қилиш).

Вазият масалаларини ечиб талабаларда клиник фикрлашни шакллантириш усули.

График организерлар – бу фикрлаш жараёнини яққол тасвирлаш воситаси.

1-мавзу. Таълим технологияларининг фармацевтик фанларни ўқитишдаги ўрни

Режа

1. Илғор таълим технологиялари тўғрисида
2. Таълимда инновация тушунчаси
3. Педагогик технологияларга бўлган асосий талаблар
4. Таълим бериш методлари, воситалари ва ташкилий шакллари.
5. Фармацевтик фанларни ўқитишда илғор технологиялардан фойдаланиш

Педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихи Аристотелнинг тарбия-инсон шахсини шакллантиришга қаратилиши, Сократнинг таълим-тарбия усулларида дастлабки ёндошуви, таълим-тарбиядаги изчиллик ва шахсий хулосаларнинг шаклланиши билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя ва қарашлари, Платоннинг касбий кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш касбий билимларни шаклланишига олиб келиши ҳақидаги ғоялари ва уларнинг даврлар оша ривожланиши билан боғлиқ ходисадир.

Педагогик технологиялар ёки таълимни технологиялаштириш янгилик эмас, балки 300 йиллар олдин таълимни технологиялаштиришнинг асосий ёндошувлари шаклланган эди: (1) таълим мақсадини аниқлаштириш; (2) бу мақсадларга эришишнинг оптимал (осон) йўл ва воситаларини танлаш; (3) қўйилган мақсадга эришишни қафолатлайдиган таълим моделини лойиҳалаштиришдир.

Педагогик технологиянинг ўрганилиш даражаси ва унга берилган илмий таърифлар:

“Педагогик технология – ўз олдига таълим шакллари муқобиллаштириш вазифасини қўйувчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олиб, таълим бериш ва таҳсил олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методи дир” ЮНЕСКО ҳужжатларида

«Педагогик технология – бу таълим шакллари жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

Замонавий педагогик технологиялар бўйича терминлар луғати (голоссарий)

«Таълимни технологиялаштириш», «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси» ва «педагогик технология» тушунчалари

«Технология» атамаси ишлаб чиқариш доирасидан юкори компонентли психолого-педагогик инженерияли мухитга киритилган педагогик мухитдан олинган.

Технологик жараён- ишлаб чиқарилган маҳсулотга ишлов беришнинг ягона жараёнини хосил қилувчи технологик операциялар йиғиндиси;

Педагогик жараён – таълим – тарбия беришнинг самарали натижасини кафолатловчи педагогик усулларнинг ягона мақсадли фаолият жараёнидир.

Технологик операциялар – ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган, якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

Педагогик усул – педагог томонидан таълим бериш жараёнида қўлланиладиган мақсадли ҳаракат

Технологик харита – маълум бир мавзуни (маъруза ёки амалий машғулоти) ёритишда педагогик усуллар кетма – кетлигини баён қилувчи лойиҳа

Таълимни технологиялаштириш – бу педагогика фанининг йўналиши ҳисобланиб, тадқиқот қилувчи ва қонуниятларни очиқ берувчи, таълим жараёнига технологик ёндошув асосида таълим мақсадларига самарали эришишнинг оптимал йуллари ва воситаларидир.

Таълим технологияси - педагогик технологиянинг илмий аспекти белгилаш учун ишлатилади. Бу (фан предмети), «техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларнинг ўз олдига таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини кўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули» ҳисобланади (ЮНЕСКО).

таълим элементлари: Таълим берувчи, таҳсил олувчи, таълим мақсадлари ва натижалари, таълим мазмуни, таълим методлари, шакллари, воситалари ва баҳолаш

Ўқитиш технологияси -

•бу таълим, коммуникация, ахборот ва бошқарувнинг жамланган ва тартибга солинган оптимал йуллари ва воситаларидир, бу таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, ажратилган вақт давомида самарали натижаларга кафолатли эришишни ва аниқ таълим жараёнларини амалга оширишни инструментал таъминловчиси ҳисобланади (ПТ жараёнли – баёнли аспекти);

•бу мавжуд жараёндир, таълим жараёни субъектларининг ҳамкорликдаги юзага келган тартибли ҳаракатидир (ПТ жараёнли ҳаракат аспекти).

Педагогик технология – бу таълимни технологиялаштириш соҳасида педагогик ходисалар ва жараёнларда қўлланиладиган тушунча

«Педагогик тизим», «таълим технологияси» ва «фан методикаси» тушунчалари ва уларнинг бир-биридан фарқи

Педагогик тизим – белгиланган сифатларга эга шахсни шакллантиришга қаратилган, мақсадли ва олдиндан белгиланган педагогик

таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар, жараёнлар бирлигидан иборат маълум бир бутунлик (В.Беспалько).

Таълимнинг предмет методикаси – таълим тизимида қуйидаги предметнинг аҳамияти ва ўрни, унинг вазифалари ва таълим мазмунини аниқлаб беради. Шу предмет юзасидан таълим усуллари, шакллари ва воситаларидан қандай фойдаланиш ва бошқарилишига изоҳ келтиради.

Тизимли туркум (категория) каби таълим технологияси қуйидагиларни ифодалайди:

(1) педагогик тизимнинг таркибий қисмларини (компонентларини), (2) таълим технологиясининг таркибий қисмларини (элементларини), унинг процессуал қисмини, (3) таълим методикасининг кейинги даражасини – мақсадга эришиш учун услубий (методик) тизимни ўқув жараёни катнашчиларининг ҳаракат изчиллигига айлантиради.

Предмет методикасидан ўқитиш технологиясининг фарқи:

- фақатгина «қандай ўргатиш?» саволига жавоб бермай, балки у муҳим қўшимчалар қилади - «самарали натижа олиш учун қандай ўргатиш ва қандай оптимал ўқув жараёнини ташкиллаштириш?»;

- аниқ талабларга ва тахминий натижаларга эмас балки аниқ вазифаларга таянган ҳолда аниқ педагогик ғоя асосида лойиҳалаштирилади;

- натижаларни қайта ишлаб чиқиш билан фарқ қилади;

- билим олишда, таълим берувчига йўналтирилган, дарснинг методик ишланмаларидан фарқли ўлароқ, шахсий фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда ютуқларни таъминлайди ва таълим олувчиларга йўналтиради.

Педагог-технологнинг услубиётчидан (методистдан) фарқи:

- тажриба ўтказмайди: у аниқ белгиланган натижалар билан иш олиб боради;

- маълум муддатда ва талаб бўйича қўйилган мақсадни амалга оширишда шубҳа туғдирмайдиган, фақатгина асосланган таълим моделига таянади;

- таълим мақсади қўйилгандан сўнг, педагогик вазифалар аниқ белгилангандан сўнг, тахмин қилинган ўқув натижалари шакллангандан сўнг ва таълим жараёнининг кетиши бўйича қўйилган талаблардан сўнггина ҳаракатни бошлаши мумкин.

Таълимнинг фаол усуллари ва техникаси

Таълимнинг фаоллиги – таълим олувчиларнинг фаоллигини ташкиллаштиришни таъминлаб берувчи таълим.

Таълимнинг фаол усуллари – таълим олувчиларнинг билим орттириш фаолиятини кучайтириш усуллари. Асосан у ёки бу муаммони ечиш йулларини излашда тахминий эркин фикр алмашилиш диалоги асосида курилади.

Айниқса кенг тарқалган ва узига хос хусусиятга эга булган таълимнинг фаол усулларига қуйидагилар киради: суҳбат, мунозара, таълимий уйинлар, «кейс-стади», лойиҳалаш усули, муаммоли усул, мияга хужум ва бош.

Интерактив (Interactive) – диалогли.

Интерфаол таълим – таълим берувчи ва таълим олувчи уртасидаги (таълим олувчи ва компьютер) узаро харакатни амалга оширувчи диалогли таълим.

Интерфаоллик – таълим доирасида принципиал янги ходиса – шу туфайли таълим олувчи:

(1) таълим жараёнининг хамма субъектлари билан фаол узаро харакатда булиши, факатгина укутувчи билан шахсий муносабат йулидагина эмас, балки бошка талабалар, маъмурият билан хам кила олиши мумкин;

(2) мультимедиа объектларини тахлил килиш жараёнида уларнинг мазмунини, шаклини, улчам ва ранглари динамик равишда бошкаришни, турли тарафдан уларни кузатишни, бошка шунга ухшаш манипуляцияларини кайта таъминлашни, купрок аник курсатувга эришиш учун хохлаган жойидан тухтатиб ва давом эттира олиш мумкин булади. Шундай килиб, интерфаоллик факатгина ахборотларни пассив кабул килиш учунгина эмас, балки урганилаётган объектлар ёки жараёнларда ва виртуал моделларнинг узаро харакатларида мультимедиа моделлари хусусиятларини фаол тадқиқот килиш учун хам имконият яратиб беради.

Интерфаоллик даражаси канчалик юкори булса, таълим жараёни хам шунчалик самарали булади.

Педагогик технологияларнинг турлари ва классификацияси

1. Умумий педагогик технологиялар.
2. Хусусий педагогик технологиялар.
3. Модулли кичик универсал технологиялар

Умумий педагогик технологиялар ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимига тегишли бўлган масалаларни қамраб олади.

Масалан: рейтинг тизимига ўтиш, тест технологияларига ўтиш шулар жумласига киради.

Хусусий педагогик технологиялар эса маълум фан доирасида қўлланилиши мумкин ва қулай бўлган технологияларни ўз ичига олади. Масалан: иқтисодиёт фани учун қулай бўлган технологияларни ишлаб чиқиш.

Модулли кичик универсал технологиялар бирор рефлексни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, турли фанларни ўрганишда ишлатилиши мумкин бўлган технологиялардир. Масалан: дидактик ўйинлар, фикрлашга ўргатувчи технологиялар. Улар универсал характерда бўлиб, кўп вақт талаб этмайди. Масалан: дидактик ўйинли технологиялар.

Ўқув машғулоти нинг универсал технологик картаси

Босқичлар, вақт	Фаолият	
	ўқитувчининг	талабаларнинг
Тайёргар- лик босқичи	Кейс материалларини тайёрлайди ва талабалар танишиши ва ҳал қилиши учун уларга олдиндан тарқатади. Вазиятни таҳлил этиш алгоритми (йўриқномаси) билан таништиради. Таҳлилни мустақил ўтказиш ва унинг натижаларини вазият таҳлили варағига ёзиш вазифасини топширади	Кейсни мустақил ҳал этади, вазият таҳлили варағини тўлдиради
1-босқич. Ўқув машғулоти- га кириш, ... мин.	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, режалаштириладиган натижаларни эълон қилади. 1.2. Ушбу кейс мақсадини ва унинг профессионаллаштиришга таъсирини тушунтиради. 1.3. Семинарда ишлаш тартиби, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Тингладилар, аниқловчи саволлар берадилар
2-босқич. Асосий (... мин.)	2.1. ... мавзуси (... – сонли илова) бўйича талабалар билимларини долзарблаштириш учун блиц-сўровнома ўтказди	Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиладилар, аниқловчи саволлар берадилар
	2.2. Талабаларни гуруҳларга бўлади. Гуруҳда ишлаш қоидалари (... – сонли илова), мунозара қоидалари (... – сонли илова) билан таништиради (эслатади), мунозара қатнашчисига эслатмани (... – сонли илова) тарқатади. Қуйидагича топшириқ беради: кейс билан индивидуал ишлаш натижаларини муҳокама қилиш, вазиятни жамоа бўлиб таҳлил этиш варағини тўлдириш, муаммоли вазиятнинг индивидуал ечими бўйича устувор ғояларни баҳолаш ва танлаш, тақдимотга тайёрланиш. 2.3. Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. Индивидуал иш натижаларини текширади ва баҳолайди: вазиятни таҳлил этиш варақлари	Ўқув топшириғини бажаради
	2.4. Тақдимотни, тақдимотлар муҳокамаси ва ўзаро баҳоланишини ташкил этади. Жавобларни изоҳлайди, ўзгартиради, вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш жараёнида берилган хулосаларга алоҳида эътибор қаратади. 2.5. Кейс ечими бўйича ўз вариантини маълум қилади	Гуруҳлар иш натижалари тақдимотини ўтказадилар. Мунозарада қатнашадилар, саволлар берадилар, баҳолайдилар
3-босқич. Яқунловчи- баҳоловчи, ... мин.	3.1. Машғулотга яқун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради, индивидуал ва биргаликдаги ишга баҳоларни эълон қилади. Олинган билимларнинг келгусидаги касбий ва ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади	Тинглайдилар, аниқловчи саволлар берадилар

2-мавзу. Фармация йўналиши кафедраларида талабалар гуруҳларида ўқув ишларини ташкил қилиш, талабаларни интерактив усуллар ёрдамида ўқитиш услублари

Режа:

1. “Силлабус” ва “кейс –стади” тўғрисида тушунча
2. Илғор педагогик усулларнинг турлари
3. Фармация фанларини ўқитишда интерактив усулларни қўллаш
4. Фармация фанларида кейслар банкини яратиш ва амалиётда фойдаланиш.

Педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини система сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир.

Шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланилади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланилади;

- этник маънавий қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- хатони тузатишга имкон бериш;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Бугунги кунда ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усулларни ўқув тоифага ажратилмоқда. Бу тоифадаги усуллар ўқув предметлари ўқув машғулотларининг лойиҳаларини тузганда ва педагогик технологияни таълим жараёнига жорий қилинаётганда, билим соҳаларининг хусусиятидан келиб чиқиб, керакли жойларида ишлатилади. Буларга қуйидагилар киради:

Биринчи тоифадаги усуллар “Анъанавий усуллар” деб аталиб, тингловчи-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосланганлар. Уларга: “Айтиб бериш”, “Кўрсатиб бериш”, “Намойиш”, “Маъруза тақдимоти”, “Савол-жавоб”, “Тўрт поғонали усули” кабилар.

Иккинчи тоифадаги усуллар “Интерактив” усуллар деб номланиб, билим олувчиларни билим эгаллашларида “Фаоллаштириш” тамойилига суянади.

Учинчи тоифадаги усуллар “Ноанъанавий усуллар” дейилиб, таълим – тарбия жараёнини “Жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқади (Методик тавсиянинг 6-бетида кўрсатиб ўтилган). Бу уч тоифадаги усуллар тарихан таркиб топиб, вақт ўтиши билан

бири-биридан такомиллашиб, ўз даврининг талабига жавоб берганлар. Юқорида акс этирилган усулларнинг, “Педагогик технологиядан” ташқарисини амалда қўллаётганда, ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликлари ва ноқулай томонлари мавжудлиги ўқув жараёнида аниқланган

Таълим усулларининг натижавийлигини қайси мезонлар аниқлайди?

Яхши ёки ёмон усуллар мавжуд эмас. Усулнинг натижавийлигини бажарилган ёки бажарилмаган вазифа бўйича хулоса чиқариш мумкин.

Қандай қилиб, кенг тарқалган усуллар, жумладан ақлий ҳужум ёки гуруҳли мунозарани натижавийлигини ўқув машғулотида ечиладиган топшириқлар билан боғлиқсиз, ёки аниқ амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш (кейс-стади) усулини натижавийлигини, ушбу усул қўлланилаётган ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларидан узилишда олдиндан баҳолаш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, усулнинг **асосий натижавийлик мезонлари** қуйидагилар:

- белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва иқтисодийлиги;
- уни қўллашда соддаллик ва осонлик;
- нафақат энг яхши натижаларни таъминлаши, балки уларга эришишнинг юқори ишончлилигини таъминлай олиши.

Интерфаоллик таълим бериш соҳасида умуман янги ҳодиса-бунга биноан таълим берувчи:

- 1) ўқитувчи, бошқа талабалар, маъмурият билан фақат шахсий учрашув йўли билан эмас, балки таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро ҳаракат қилиши мумкин;
- 2) мультимедиали объектларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг мазмуни, шакли, ўлчови ва рангини ўзгарувчан бошқариш, уларни ҳар томондан кўриб чиқиш, шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажаришни, энг кўп кўргазмалиликка эришишда тўхтатиш ва хоҳлаган жойида яна ишга тушириши мумкин.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади.

Педагогикада таълим усулларини таснифлашга (тартиблаштириш, бир гуруҳга бирлаштириш) турли ёндашишлар юзага келди. Улар тизимлаштиришни турли асосларида тузилган.

Таълим усулларини таълимий мақсадларга эришиш бўйича таълим берувчи (ўргатиш) ва таълим олувчини (ўрганиш) ҳамкорий фаолиятини йўли сифатида кўрсатиш улар хусусияти ва ўқув фаолиятини натижалари бўйича қуйидагича гуруҳлаштириш имконини беради:

1 - гуруҳ: тайёр ўзлаштирувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билимларни 1 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

2 - гуруҳ: эса қолганларни тасвирловчи ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 2 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

3 - гуруҳ: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 3 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

4 - гуруҳ: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4 - даражада билимларни ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар.

Интерфаол (Interactive) - суҳбатли. **Интерфаол** таълим бериш - суҳбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим олувчи ва компьютернинг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Кейс - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гуруҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат.

(2) қўшимча ахборотлардан, жумладан аудио, видео-ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат.

КЕЙС-ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курскўрсатилади.

2. Кейсданкўзланган мақсад (таълимий мақсад, режалаштириладиган ўқув натижалари).

3. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.

4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.

5. Ахборот олиш манбалари рўйхати

6. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмалаштириш усули).

7. Кейсдан кўзланган мақсад ва, тегишлича, ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

КЕЙС-ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛ МОДЕЛИ

<i>Мавзу</i>	
<i>Талабалар сони</i> : ... киши.	<i>Вақти</i> - ... соат.
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Билимларни кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган, малакалар орттирадиган семинар
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув машғулотига кириш. 2. Билимларни долзарблаштириш. 3. Кичик гуруҳларда кейс билан ишлаш. 4. Натижалар тақдимоти. 5. Мунозара, муаммоли вазият ечимини баҳолаш ва устувор ғояни танлаш. 6. Хулоса. Гуруҳлар ва талаблар фаолиятини, ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолаш.
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> ... ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, ... малакаларини орттириш, муаммоли амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш малакаларини шакллантириш	
<p><i>Ўқув машғулоти натижалари:</i> ... ни тавсифлайди, таснифлайди, асослайди, таққослайди</p> <ul style="list-style-type: none"> • кейсда тақдим этилган вазиятни таҳлил этади; • муаммо, вазифаларни ажратади ва ифодалайди, муаммоли вазиятни ҳал этиш алгоритминини ишлаб чиқади; • вазиятни таҳлил этиш асосида уни ҳал қилишга доир асосли қарор қабул қилинади; • ҳисоб-китоблар амалга оширилади; • якуний хулоса чиқарилади, уни асосли тарзда ҳимоя қилади. 	<p><i>Ўқитувчининг вазифалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • ... мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш; • муаммоли вазиятни таҳлил этиш, муаммо ва кичик муаммоларни ифодалаш, вазифалар қўйиш ва уларни ҳал этиш бўйича ҳаракатлар алгоритминини ишлаб чиқиш, иқтисодий асосланган қарорни қабул қилиш, ... ни прогноз қилиш малакаларини ҳосил қилиш; • ҳисоб-китоб юритиш малакасини орттириш, • ишлаб чиқилган нуктаи назарни асослаш ва ҳимоя қилиш малакаларини ривожлантириш; • мунозара маданиятини, коммуникатив малакаларни ҳосил қилиш.
<i>Таълим услублари</i>	Кейс-стади, ақлий хужум, мунозара, амалий услуб
<i>Таълим воситалари</i>	Кейс, талабага услубий кўрсатмалар, флипчарт
<i>Таълим шакллари</i>	Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш
<i>Таълим шарт-шароитлари</i>	Гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Қайтар алоқа усул ва воситалари</i>	Кузатув, блиц-сўров, тақдимот, ўзаро баҳолаш

Ўқув машғулотининг универсал технологик картаси

Босқичлар, вақт	Фаолият	
	ўқитувчининг	талабаларнинг
Тайёргар- лик босқичи	Кейс материалларини тайёрлайди ва талабалар танишиши ва ҳал қилиши учун уларга олдиндан тарқатади. Вазиятни таҳлил этиш алгоритми (йўриқномаси) билан таништиради. Таҳлилни мустақил ўтказиш ва унинг натижаларини вазият таҳлили варағига ёзиш вазифасини топширади	Кейсни мустақил ҳал этади, вазият таҳлили варағини тўлдиради
1-босқич. Ўқув машғулоти- га кириш, ... мин.	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, режалаштириладиган натижаларни эълон қилади. 1.2. Ушбу кейс мақсадини ва унинг профессионаллаштиришга таъсирини тушунтиради. 1.3. Семинарда ишлаш тартиби, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Тингладилар, аниқловчи саволлар берадилар
2-босқич. Асосий (... мин.)	2.1. ... мавзуси (... – сонли илова) бўйича талабалар билимларини долзарблаштириш учун блиц-сўровнома ўтказди	Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиладилар, аниқловчи саволлар берадилар
	2.2. Талабаларни гуруҳларга бўлади. Гуруҳда ишлаш қоидалари (... – сонли илова), мунозара қоидалари (... – сонли илова) билан таништиради (эслатади), мунозара қатнашчисига эслатмани (... – сонли илова) тарқатади. Қуйидагича топшириқ беради: кейс билан индивидуал ишлаш натижаларини муҳокама қилиш, вазиятни жамоа бўлиб таҳлил этиш варағини тўлдириш, муаммоли вазиятнинг индивидуал ечими бўйича устувор ғояларни баҳолаш ва танлаш, тақдимотга тайёрланиш. 2.3. Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. Индивидуал иш натижаларини текширади ва баҳолайди: вазиятни таҳлил этиш варақлари	Ўқув топшириғини бажаради
	2.4. Тақдимотни, тақдимотлар муҳокамаси ва ўзаро баҳоланишини ташкил этади. Жавобларни изоҳлайди, ўзгартиради, вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш жараёнида берилган хулосаларга алоҳида эътибор қаратади. 2.5. Кейс ечими бўйича ўз вариантини маълум қилади	Гуруҳлар иш натижалари тақдимотини ўтказадилар. Мунозарада қатнашадилар, саволлар берадилар, баҳолайдилар
3-босқич. Яқунловчи- баҳоловчи, ... мин.	3.1. Машғулотга яқун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради, индивидуал ва биргаликдаги ишга баҳоларни эълон қилади. Олинган билимларнинг келгусидаги касбий ва ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади	Тингладилар, аниқловчи саволлар берадилар

Таълим бериш усуллари танлаш

Таълим бериш усуллари танлаш ва қўллашда кўпгина қуйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳим:

➤ *Мақсадни белгилаш:* 1) таълим бериш мақсади, 2) педагогик вазифалар, 3) ўқув фаолият натижалари.

➤ *Ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги:* мақсад ва ушбу ўқув фанини хусусияти, шу тариқа бу фанни шунчалик мураккаб деб қабул қилинган.

➤ *Таълим бериш усуллари ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири.* Г. Майерга мувофиқ, 72 соатдан (уч суткадан) ўтганда, маълумотни эшитиш орқали қабул қилгандан сўнг тингловчи хотирасида 10 %; кўриш орқали (кўрганда) - 20%; кўриб ва эшитиш орқали (кўрганда ва эшитганда) - 50%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада - 70%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада, амалий имкониятларни қўлланилганда -90% ахборот қолади.

➤ *Таълим оловчиларни ўқув имкониятлари:* тайёргарлик даражаси, умумўқув малакаларни шаклланганлиги, фаоллиги, қизиқиши ва йўналтирилганлиги, ёши, ишлаш қобилияти, ўзига хос имкониятлари ва қобилиятлари.

➤ *Вақт сарфи:* 1) ўқув дастурида йил давомида ўқув фанига, унинг алоҳида мавзуларига ажратилган вақт, шунчалик чекланган бўлиши мумкинки, бу эса кўп вақт оладиган усулларни мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллаш имконини беради; 2) вақт у ёки бошқа усулни тайёрлаш ва амалга оширишда меҳнат сарфини кетиш нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, бундай усулларни қўллашни режалаштиришда, ўзидан ушбу ташкиллаштириш йўлини амалга оширишга зарур тайёргарликка вақт ва куч етарли бўладими? деб сўраш керак.

➤ *Таълим бериш шароити:* баъзи усулларни амалга ошириш учун алоҳида шароитлар талаб этилади: таълим беришнинг техник воситалари, компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнитли ёзув тахтаси, махсус жиҳозланган хона ва бошқ.

➤ *Таълим берувчи ва таълим оловчи ўртасидаги, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари* (ҳамкорлик ёки сўзсиз бўйсунли).

➤ *Таълим оловчилар сони:* агарда у катта бўлмаса, таълим беришни фаол таълим усулларни қўллаб, жадаллаштириш мумкин.

➤ *Таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари:* маъқул деб топилган усулларни қўллашни билиши ва удаллаши, талабларга мос шахсий сифатларга эга бўлиши лозим.

Қўшимча омиллар:

- Мавзунини ўрганишни (мустақил/ таълим берувчи раҳбарлиги остида) ташкиллаштириш йўли: *Қай тарзда?*
- Дидактик воситалар: *Қайсилари?*
- Фаолликни рағбатлантирувчи усуллар: *Қайсилари?*
- Назорат ва ўз-ўзини назорат: *Қайсилари?*

Технология (юнонча.techne маҳорат+ logos таълимот) – ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш усуллари ва услублари тўғрисидаги билимлар мажмуаси.

Инновация – бу таълим муассасасининг анъанавий ва умумамалий ривожланишдан фарқли равишда прогрессив ривожланишига ёрдам берувчи янгилик.

Педагогик технология – бу педагогик фаолиятнинг муваффақиятига кафолат берувчи жиддий илмий лойихалаш ва аниқ қайтаришдир.

Олий таълимда технология – аниқ бир мутахассислик бўйича битирувчини тайёрлашга қаратилган ўқитишнинг усуллари, услублари мажмуаси.

Олийгоҳ педагогининг профессионал ваколати – мутахассиснинг интеграл таърифи бўлиб, унинг ҳаққоний вазиятда профессионал муаммолар ва типик профессионал вазифаларни ҳал қила олишидир.

Муаммоли вазият – бир бирига зид бўлган маълум бир ечимга эга бўлмаган вазият

Педагогнинг лойихалаштириш қобилияти – ўз шахсий фаолиятинию. Талабаларнинг таълим олишини режалаштираолиш қобилияти;

Педагогнинг асосли (конструктив) маҳорати – курсга мўлжалланган ўқув жараёнини режалаштираолиш қобилияти;

Педагогнинг коммуникатив маҳорати – педагогнинг талабалар, ҳамкасблар ва маъмурият билан ўзаро алоқа ўрната олиш қобилияти;

Педагогнинг ташкилотчилик маҳорати – нафақат ўзининг, балки талабаларнинг ҳам фаолиятини ташкил қила олиш қобилияти.

Типик вазиятли масалалар – репродуктив фаолиятга қаратилган масалалар

Ролли ўйинлар – турли хил вазиятларни моделлаштиришга қаратилган ўқитиш усули